



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil "30" aprel

Q-332 -son

Termiz sh.

**Жарқўрғон тумани Оқтепа массиви "Оби
хаёт" маҳалласи ҳудудидан "BARAKA JAM
QUYONI" МЧЖга озуқабоп экинлар экиш
учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Паррандачиликни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 2018 йил 13 ноябрдаги ПҚ-4015-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 09 сентябрдаги 05-02/636-сон йиғилиш баёни, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2020 йил 03 августдаги 02-05/124-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Жарқўрғон тумани Оқтепа массиви "Оби хаёт" маҳалласи ҳудудидан "BARAKA JAM QUYONI" МЧЖга паррандачилик ва қуёнчилик тармоғини ривожлантириш мақсадида туман ҳокимлиги захирасидаги қишлоқ хўжалик харитасининг 328қ ва 331қ-дала контурларидаги тупроқ унумдорлиги 47,0 балл бонитетли жами 15,3 гектар, шундан 15,0 гектар суғориладиган экин ер ва 0,3 гектар йўллар ер майдонлари озуқабоп экинлар экиш учун (49 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида ажратилаётган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши кўрсатиб ўтилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси

чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

5. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

6. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов